

# Аллоҳ ҳамма нарсани илми билан иҳота қилган зотдир



АЛЛОҲ ҲАММА НАРСАНИ ИЛМИ БИЛАН ИҲОТА ҚИЛГАН ЗОТДИР

18:35 / 13.01.2023 1850

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким тонгда ва кеч кирганида:

هَلِّ اِلٰهٍ مِطْعَمًا شَرَعًا بِرَوْوَةٍ وَتَلْكَ وَتِهِيَ عَوُّهُ اِلٰهًا لَعَلَّكَ وَتَهَلِّ اِلٰهٍ بِر  
يَلَعَهَلِّ اَنْ اَمْلَعًا؛ نُنْكَيْ مَلْ اَشْيَ مَلْ اَمَوْنَ اَكْ هَلِّ اَشْ اَمْ، مِطْعَمًا لَعَلَّ اِلٰهٍ اِل  
اَمْلَعِ عَيْ شَلْ كَبَطَا حَ اَهَلِّ اَنْ اُوْرِي دَقْرَ عَيْ شَلْ ك

«Роббийаллоҳ, таваккалту ғалайҳи лаа илаҳа илла ҳув, ғалайҳи таваккалту ва ҳува роббул ғаршил ғазийм, лаа илаҳа иллаллоҳул ғалиййул ғазийм. Маа ша`аллоҳу каана ва маа лам йаша` лам йакун. Аъламу анналлоҳа ғала кулли шай`ин қодийр. Ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ғилма», деб айтса, сўнг вафот этса, жаннатга киради», дедилар.

Маъноси: Раббим Аллоҳдир. Унга таваккал қилдим. Ундан бошқа илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим. У улуғ аршнинг Раббидир. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У хоҳлаган нарса бўлади. У хоҳламаган нарса бўлмайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани илми билан иҳота қилган зотдир.

Ибн Сунний ривоятлари.